

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИКРАМОВА ЗУЛФИЯ ТУЛКИНОВНА

**КАРОТИД АТЕРОСКЛЕРОЗДА УМУМИЙ ЦЕРЕБРАЛ ҚОН
ОҚИМИНИНГ ДОППЛЕРОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

ТОШКЕНТ -2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Икрамова Зулфия Тулкиновна

Каротид атеросклерозда умумий церебрал

кон окимининг доплерографик

кўрсаткичларини комплекс баҳолаш

Икрамова Зулфия Тулкиновна

Комплексная оценка доплерографических

показателей общего церебрального

кровотока при каротидном атеросклерозе

Ikramova Zulfiya Tulkinovna

Comprehensive assessment of dopplerography

indicators of total cerebral blood flow

in carotid atherosclerosis

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Тib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШАСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИКРАМОВА ЗУЛФИЯ ТУЛКИНОВНА

**КАРОТИД АТЕРОСКЛЕРОЗДА УМУМИЙ ЦЕРЕБРАЛ ҚОН
ОҚИМИНИНГ ДОППЛЕРОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

ТОШКЕНТ -2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2. PhD/Tib1216 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Розиходжаева Гулнора Ахмедовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори

Юлбарисов Абдурасул Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-15-96).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда юрак-қон томир касалликлари соғлиқ билан боғлиқ энг жиддий муаммолардан бири бўлиб, ЖССТ маълумотларига кўра ўлимнинг биринчи сабаби ҳисобланади. «...2022 йилда деярли 20 миллион одам юрак-қон томир касалликларидан, жумладан уларнинг 85 фоизи миокард инфаркти ёки инсултдан вафот этган»¹. Республикамизнинг етакчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистонда ҳар йили 35000 та янги инсулт ҳолатлари қайд этилмоқда, бу 100000 аҳолига 145,8 тани ташкил этади. Цереброваскуляр патологиянинг пайдо бўлиш даражаси беморларнинг ёши улғайиши билан ортади, ва мия гемодинамикасининг авж олувчи бузилишининг асосий сабаблари уйқу артерияларнинг атеросклеротик зарарланиши бўлиб ҳисобланади. Барча инсултларининг тахминан 85% ишемик турга оид деб ҳисобланилади. Ички уйқу артерияси (ИУА) стенозига олиб келадиган атеросклероз ишемик инсултларнинг асосий сабабидир. Цереброваскуляр патологиянинг ривожланишининг олдини олиш бўйича профилактика чораларининг асосийси мияни етарли даражада перфузиясини таъминлашдир. Шу муносабат билан, ҳозирги вақтда қон оқимининг ҳажм кўрсаткичларини аниқлашга катта аҳамият берилмоқда. Шундай экан, уйқу артериялари атеросклерозидида мия қон айланиши ўткир бузилишининг олдини олиш мақсадида, умумий мия қон оқими ҳажмини замонавий ультратовуш технологиялари ёрдамида ташхислаш усулларини такомиллаштириш ва имкониятларини баҳолаш, тиббиётнинг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда мияни қон билан таъминлайдиган каротид артерияларнинг атеросклеротик зарарланишини замонавий юқори технологияли усуллар ёрдамида эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ультратовуш текширувининг инновацион технологияларини ((рангли доплерография, энергетик доплерография такомиллаштирилган динамик оқим технологияси- Advanced Dynamic Flow, ультратовушли денситометрия) амалиётга жорий этиш, ташхис имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради ва ўткир мия қон айланиши бузилишини олдини олиш имконини беради. Шу сабабли уйқу артерияларини атеросклеротик зарарланишда томирларнинг ҳолатини, мия гемодинамикасини ва умумий мия қон оқимининг ҳажмини баҳолашда комплекс ультратовуш текшируви ўрни ва аҳамиятини баҳолашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, цереброваскуляр касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чора-

¹WHO Cardiovascular Diseases Fact Sheets. Available online: <https://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail/cardiovascular-diseases.-2022>

тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, оғир асоратлар ривожланишини олдини олиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш мақсадида каротид артериялар атеросклеротик зарарланишини эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида, 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124 сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199 сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мияда қон айланиши бузилиши аҳолининг умумий ўлим сабаблари ичида юрак қон томир патологиясидан кейин иккинчи ўринда туради. Сўнгги пайтларда коллатерал қон айланишининг бош мия ишемик белгилари (шу жумладан инсульт) пайдо бўлиши, уларнинг оғирлик даражаси ва даволаш ёки реабилитациясининг клиник натижаларига таъсири борлиги аниқ бўлди. Ҳозирги вақтда компьютер томографияси (КТ) контрастли кучайтиришли, магнит - резонанс томография (МРТ) билан биргаликда кулранг шкалалари ва рангли доплерография режимларида ультратовуш текшируви уйқу артериясининг аҳамиятли стенозини ташхислаш стандартига киради, аммо улар асосий клиник саволга жавоб бера олмайди: нима сабаб уйқу артерияси стенози даражаси бир хил бўлган беморлар бир-биридан клиник жиҳатдан фарқланади (Шумилина М.В., 2021; Bonati L.H., Jansen O, de Borst G.J., 2022). Диагностик ёндашувни стеноз даражасини оддий ўлчашдан бош мия қон оқимини ҳар томонлама баҳолашга, шунингдек, мияни таъминлайдиган бир ёки бир нечта қон томирларининг оғир даражали стенозига ёки

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

окклюзиясига қарамай, миянинг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган компенсацион механизмларни ўрганишга ўзгартиришнинг долзарблиги таъкидланган. (Takekawa, H., Tsukui D., Kobayasi S. et al., 2022). Ҳозирги кунда жарроҳлик аралашувида кўрсаткичларини ўзгартириши мумкин бўлган неврологик ҳодисалар хавфини табақалаштириш учун, янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Ички уйқу артерияси (ИУА), ташқи уйқу артерияси (ТУА) ва умуртқа артерияларида (УА) умумий қон оқим ҳажмини аниқлаш ва уйқу артерияси стенози 50%дан ортиқ бўлган беморларда ультратовуш доплерографияси ёрдамида мия қон оқимини глобал баҳолаш, мия қон айланиши турли касалликлари бўлган беморларни ташхислаш ва кузатишда кенг қўлланилиши мумкин (Azevedo E.,2023).

Ўзбекистонда мия қон айланиши бузилиш муаммоси кўплаб мутахассислар томонидан ўрганилган, ташхисоти ва даволаш масалалари М.С. Абдуллаходжаева (2002), Б.Г. Гафуров (2019), Ё.Н. Мажидова (2019), Н. Г. Дадамянц (2017), Э.М. Миржураев (2021) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган. Бироқ, мия умумий қон оқимини ультратовуш усуллари билан баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган ва ушбу йуналишдаги тадқиқотлар долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №000893 «Клиник тиббиётда замонавий ультратовуш ташхисот технологияларининг роли ва аҳамиятини ўрганиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий Допплер текширишлари мажмуасини қўллаш орқали уйқу артерияси атеросклерози мавжуд беморларда мия ҳажмли қон оқими ташхисотини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий ультратовуш технологияларидан (рангли доплерография (РД), энергетик доплерография (ЭД), такомиллаштирилган динамик оқим технологияси (Advanced Dynamic Flow (ADF)), гистографик таҳлил) фойдаланган ҳолда уйқу артерияларнинг атеросклеротик зарарланиши кўриниши, даражаси ва таркибий ўзгаришларнинг табиатини баҳолаш;

Уйқу артерияси атеросклерози бўлмаган шахсларда қон оқимининг тезлиги ва спектрал хусусиятларини бемор ёши ва жинсига қараб текшириш, мия ҳажмли қон оқимининг референс қийматларини ишлаб чиқиш;

60 ёшдан ошган беморларда уйқу артерияси атеросклерози мавжудлигига ва уйқу артерияси стеноз даражасига <50% ва >50% қараб, мия ҳажмли қон оқимини таҳлили асосида, компенсация даражаси ва цереброваскуляр захирасини баҳолаш;

мия ҳажмли қон оқимининг информатив кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни субклиник атеросклероз белгилари билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли стенози мавжуд беморларда мия ҳажмли қон оқимини башорат қилиш моделини ишлаб чиқиш ва ташхисот алгоритмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 18 ёшдан 85 ёшгача бўлган 304 нафар шахслар, улардан 84 нафари назорат гуруҳини ташкил этган юрак-қон томир касалликлари бўлмаган соғломлар, 220 нафар рангли дуплекс сканерлаш бўйича тасдиқланган уйқу артерияси атеросклерози билан хасталанган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кулранг шкала режимида ультратовуш маълумотлари (В-режими), Допплер ультратовуш режимлари (РД, ЭД, РВ), такомиллаштирилган динамик оқим технологияси (ADF), В оқим (В-Flow), МСКТ натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник, инструментал, ангиографик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

каротид артерияларнинг атеросклерози бўлган беморларда стеноз даражасини, атеросклеротик пиллакча контурини баҳолаш учун оқимнинг бурчакга боғлиқ эмаслиги ва тезлиги паст оқимларнинг аниқланиши хисобига, ADF ва В-Flow режимларидан фойдаланиш зарурати исботланган;

ёш гуруҳлари бўйича ўзбек популяциясида каротид атеросклерознинг хусусиятларини ўрганиш имконини берадиган умумий мия қон оқимининг меъёрий қийматлари ишлаб чиқилган;

каротид атеросклерозида умумий мия қон оқимини баҳолаш аниқлигини ошириш учун, цереброваскуляр захира индекси билан регрессион модели ишлаб чиқилган;

ультратовуш доплерография кўрсаткичларига кўра стеноз даражаси 50% дан юқори бўлган беморларда, цереброваскуляр захира индексини 0,8 дан пастлиги, мия ҳажмли қон оқимининг пасайиши билан боғлиқ уйқу артерияларнинг гемодинамик муҳим ўзгаришлар эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Каротид артериялар атеросклерози бўлган беморларда мия ҳажмли қон оқимини аниқлаш ва кўрсаткичларини референт қийматлари билан таққослаш, коллатерал қон айланишини ривожланиш даражасини билвосита баҳоланган;

мия ҳажмли қон оқими кўрсаткичлари ва субклиник атеросклерознинг суррогат белгилари (ёш, умумий уйқу артерияси интима медия комплекси қалинлиги ва цереброваскуляр захира) ўртасидаги боғлиқлиги очиб берилган;

60 ёшдан ошган каротид атеросклерози бўлган шахсларда, мия ҳажмли қон оқимини баҳолаш учун аҳамиятли кўрсаткичларнинг (ёш, умумий уйқу артериясининг интима медия комплекси қалинлиги, цереброваскуляр захира) ҳақиқий ва башорат қилинган қийматларини ишончли даражада кўрсатувчи кўп факторли логистик регрессия модели ишлаб чиқилган;

ультратовуш ташхисоти мутахассислари ва қон томир жарроҳлари амалий фаолиятида ўтказиладиган даволаш-соғломлаштириш чора-

тадбирларининг тактикасини баҳолашда қўлланилиши мумкин бўлган электрон ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

«Гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли каротид стенози бўлган беморларда мия қон оқими ҳажмининг компенсация даражасини баҳолаш» (OSK-OMK-GZKS.exe) дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган;

каротид артериялар атероклеротик зарарланиши бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини кузатиш имконини берадиган замонавий ультратовуш ва нур ташхиси имкониятларини ҳисобга олган ҳолда текшириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада бемор ва материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, ангиографик ва статистик тадқиқот усуллари асосида каротид атеросклерозда умумий церебрал қон оқимининг доплерографик кўрсаткичларини комплекс баҳолашни такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инновацион ультратовуш технологияларидан фойдаланган ҳолда, мия ҳажмли қон оқимини ташхислашнинг ультратовуш мезонлари ўрнатилганлиги, каротид атеросклерози мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморларда мия ҳажмли қон оқимини ультратовуш усуллари билан баҳолаш, асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни аниқлашда скрининг, клиник ва илмий тадқиқотларда мия қон оқимининг компенсация даражасини иложи борида содда ва аниқ баҳолашга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти доплерографик усул ёрдамида юқори даражадаги каротид стенози бўлган беморларда мия ҳажмли қон оқимини аниқлаш, асоратлар хавфи юқори бўлган гуруҳларни шакллантириш, бошқариш тактикасини тузатиш ва даволаш самарадорлигини кўшимча назорат қилиш имконини беради. Тадқиқот давомида қурилган ва фойдаланиш учун таклиф қилинган мия ҳажмли қон оқимини башорат қилиш шахсийлаштирилган модели каротид атеросклерозли беморларда индивидуал хавфни аниқроқ ҳисоблаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббий ходимларни касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт кенгашининг 2024 йилдаги 30 апрелдаги №04 сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик. каротид артерияларнинг атеросклерози бўлган беморларда стеноз даражасини, атеросклеротик пиллакча контурини баҳолаш учун оқимнинг бурчак боғлиқмаслиги ва тезлиги паст оқимларнинг

аниқланиши хисобига, ADF ва B-Flow режимларидан фойдаланиш зарурати исботланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ультратовуш текшируви (УТТ) қўлланилишининг диагностик информативлигини оширадиган замонавий ультратовуш технологиялари ёрдамида экстракраниал даражадаги умумий мия қон оқимини комплекс баҳолашга тизимли ёндашув ишлаб чиқилди ва илмий асосланди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Қашқадарё вилоят диагностика марказининг 2023 йил 1 мартдаги 4-сонли ва Тошкент шаҳар клиник касалхонасининг 2023 йил 2 мартдаги 31-сонли буйруғи билан жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: замонавий ультратовуш технологиялари ёрдамида ишлаб чиқилган экстракраниал даражада мия ҳажмли қон оқимини комплекс баҳолашга тизимли ёндашув, муқобил диагностика муолажалари учун сарфланган вақтни қисқартиради, беморларнинг бошқа нурли тадқиқот усуллариغا сарфланган харажатларини камайтиради, шунингдек, танланган медикаментоз терапия самарадорлигини мониторинг қилишда иштирок этади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: уйқу артериялари атеросклерозида замонавий ультратовуш технологиялари ёрдамида экстракраниал даражада умумий мия қон оқимини комплекс баҳолашга тизимли ёндашув куйидаги иқтисодий ҳисоб-китобларга олиб келди: диагностика марказларида бош мия қон томирлари МРТ ангиографияси ва комплекс УТТ текшируви ўртача нархи мос равишда $385,5 \pm 26,2$ минг сўмни ва $145,4 \pm 18,1$ минг сўмни ташкил қилди. Тадқиқот харажатларидан ҳисобланган фарқ натижасида, замонавий ультратовуш технологияларидан фойдаланиб комплекс УТТ ўтказилганда, 1 беморга диагностика муолажаларига ишлатилган ўртача нарх камайиши $240,1 \pm 8,1$ минг сўмни ташкил қилди.

Хулоса: Замонавий ультратовуш технологиялари (РД, ЭД, ADF, B-Flow, денситометрик таҳлил) ёрдамида экстракраниал даражада умумий мия қон оқимини комплекс баҳолаш уйқу артериялари атеросклерози бўлган беморларда ўта муҳим бўлган диагностика ва муолажаларга ажратилган вақти қисқариши, ҳамда нархлари камайиши имконини берди.

иккинчи илмий янгилик. ёш гуруҳлари бўйича ўзбек популяциясида каротид атеросклерознинг хусусиятларини ўрганиш имконини берадиган умумий мия қон оқимининг меъерий қийматлари ишлаб чиқилган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: мия ҳажмли қон оқимининг патологик ҳолатларда, яъни миани қон билан таъминловчи уйқу артериялари атеросклеротик зарарланишида ўзгариш жараёнларини тўғри баҳолаш учун, турли ёш гуруҳлари учун мия ҳажмли қон оқимининг меъерий қийматлари ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Қашқадарё вилоят диагностика марказининг 2023 йил 1

мартдаги 4-сонли ва Тошкент шаҳар клиник касалхонасининг 2023 йил 2 мартдаги 31-сонли буйруғи билан жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ультратовуш доплерографияси ёрдамида мия ҳажмли қон оқимини баҳолаш бош мия ишемиясига кўпроқ мойил бўлган беморларни аниқлаш учун қулай ва самарали диагностика усули бўлиб хизмат қилади ва медикаментоз даволашнинг самарадорлигини кузатиш мақсадида қўлланилади. Бу эса, тўғри терапия йўналишини танлаш вақтини қисқартиришга, танланган даволаниш йўналишининг самарадорлигини баҳолашда беморларни динамик кузатишга ва беморларнинг бошқа нурли диагностика усуллари учун харажатларини камайтиришга имкон бериши аниқланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: турли ёш гуруҳлари учун мия ҳажмли қон оқимининг меъёрий қийматларини аниқлаштириш учун контрастли МСКТ ангиографияда мия перфузиясини текшириб мия ҳажмли қон оқимини меъёрий қийматларини аниқлаш ва комплекс доплерография усулини қўллаб аниқлаш мос равишда $1150,0 \pm 90,6$ ва $140,0 \pm 17,4$ минг сўмни ташкил қилди. Танланган диагностикаси йўналишининг самарадорлигини аниқлашда комплекс УТТдан фойдаланилганда, ҳар бир бемор учун тежамкорлик $1100.000 \pm 63,5$ минг сўмни ташкил этди.

Хулоса: умумий мия қон оқими ўзгариш жараёнларини билиш популяциядаги, каротид атеросклерозли беморларни ташхислаш ва даволашда муҳим қўшимча маълумотлар манбаи бўлиши мумкин ва беморларни дастлабки текшириш ва танланган даволаш усули самарадорлигини мониторинг қилиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: каротид атеросклерозидида умумий мия қон оқимини баҳолаш аниқлигини ошириш учун, цереброваскуляр захира индекси билан регрессион модели ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: замонавий ультратовуш технологиялари ёрдамида мия ҳажмли қон оқимининг ёш, уйқу артерияларининг атеросклеротик зарарланишларининг даражаси ва субклиник атеросклерознинг бошқа кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, мия ҳажмли қон оқимини баҳолашда қўлланиладиган информатив кўрсаткичларни белгилайди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Қашқадарё вилоят диагностика марказининг 2023 йил 1 мартдаги 4-сонли ва Тошкент шаҳар клиник касалхонасининг 2023 йил 2 мартдаги 31-сонли буйруғи билан жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: мия ҳажмли қон оқимининг ёш, уйқу артерияларининг атеросклеротик зарарланишларининг даражаси, цереброваскуляр захира билан корреляцион боғлиқлиги аниқланиши, уйқу артерияси стенози бўлган беморларда мия қон ҳажмли оқимини ўзгаришини тўғри баҳолаш имконини беради. Бу эса, тўғри терапия йўналишини танлаш вақтини қисқартиришга, танланган даволаниш йўналишининг самарадорлигини баҳолашда беморларни динамик кузатишга ва

беморларнинг бошқа нурли диагностика усуллари учун харажатларини камайтиришга имкон бериши аниқланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: каротид томирларни атеросклеротик зарарланишида мия ҳажмли қон оқимини аниқлаш учун ишлаб чиқилган қулай ва информатив доплерография кўрсаткичлари танлаш, информативлиги паст бўлган текширув усулларида воз кечишни тақозо қилади ва ортиқча сарф харажатни олдини олади. Текширувларимиз шуни кўрсатдики оёқ артериялари интима-медиа қавати қалинлиги, тўпиқ елка индексини кўрсаткичлари билан мия ҳажмли қон оқими ўртасида корреляцион боғлиқлик жуда паст. Шунинг учун каротид атеросклерози бўлган беморларда бу текширувларни ўтказиш шарт эмас. Экстракраниал артериялар комплекс доплерографияси нархи ўртача $140,0 \pm 17,4$ сўмни ташкил қилса, оёқ артериялари доплерографияси тўпиқ елка индексини текшириш билан бирга яна қўшимча $90,0 \pm 12,2$ сўмни ташкил қилиб, умумий текширув нархи $230,0 \pm 18,2$ сўмга айланади. Иқтисодий самарадорлик $90,0 \pm 12,2$ сўмни ташкил қилади.

Хулоса: мия ҳажмли қон оқимининг ёш, уйқу артерияларининг атеросклеротик зарарланишларининг даражаси, цереброваскуляр захира билан боғлиқлиги аниқланиши, уйқу артерияси стенози бўлган беморларда мия ҳажмли қон оқимини ўзгаришини тўғри баҳолашда ушбу кўрсаткичларга аҳамият бериш зарурлигини белгилайди.

тўртинчи илмий янгилик. Ултратовуш доплерография курсаткичларига кўра стеноз даражаси 50% дан юқори булган беморларда, цереброваскуляр захира индексини 0,8 дан пастлиги, мия ҳажмли қон оқимининг пасайиши билан боғлиқ уйқу артерияларнинг гемодинамик жиҳатдан муҳим зарарланиши белгиси эканлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли 50% дан ортиқ стенози бўлган беморларда мия ҳажмли қон оқими қийматларини билиш, скрининг текширувларда, клиник ва илмий тадқиқотларда мия қон оқимининг компенсация даражаси паст, асоратлар хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш имконини беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Қашқадарё вилоят диагностика марказининг 2023 йил 1 мартдаги 4-сонли ва Тошкент шаҳар клиник касалхонасининг 2023 йил 2 мартдаги 31-сонли буйруғи билан жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: мия қон оқими компенсация даражаси пасайиши билан кечувчи артерияларнинг гемодинамик жиҳатдан муҳим зарарланишини аниқлаш ва даво чораларини кўриш, ўткир бош мия қон айланиши бузилиши ҳолатини олдини олишга имкон беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: 50% дан ортиқ стенози бўлган беморларда қон оқими компенсация даражаси пасайиши билан кечувчи артерияларнинг гемодинамик жиҳатдан муҳим зарарланиши аниқланганда, поликлиникада қон томир ҳодисалари хавфи аниқланган беморлар учун профилактик даволаш курси (ой) нархи кунига ҳисоб-китоб вақтида 28 000 сўмни ташкил қилади инсульт билан стационарда ётганда ётоқ

кунининг нархи ҳисоблаш вақтида-ўртача олганда 350 000 сўмни ташкил қилади. Тахминий иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш, ҳар бир бемор учун 322 000 сўмни тежашга имкон беради ва ҳар бир бемор учун юқори иқтисодий самарадорликни кўрсатади.

Хулоса: гемодинамик аҳамиятга эга каротид томирлар атеросклерози бўлган беморларда мия қон оқими компенсация даражаси пасайганлигини ултратовуш доплерографияси ёрдамида ташхислаш, сўнгра етарли даволаш чора тадбирларни кўриш мия қон айланиши бузилишининг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та илмий анжуманларда, улардан 2 таси халқаро, 2 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 103 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Каротид артерияларни ултратовуш текшируви: замонавий тушунча ва технологик ютуқларнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммога тааллуқли бўлган хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар таҳлили келтирилган. Ўрганилаётган муаммога бағишланган хорижий ва маҳаллий илмий нашрларнинг таҳлили берилган. Ангиологияда стандарт ултратовуш текшируви имкониятларини кенгайтирадиган, каротид артериялар деворида атеросклеротик ўзгаришларнинг дастлабки босқичларида содир бўладиган жараёнлар, атеросклеротик пилакларнинг шаклланиш босқичлари ва эхоструктурасидаги ўзгаришлар ҳақида мавжуд бўлган тушунчаларни кенгайтирадиган янги кўшимча маълумот берадиган ултратовуш технологияларининг имкониятлари ёритилган. Диагностиканинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш асосида каротид стенозида умумий мия қон оқимини ўрганишнинг долзарблиги асосланади, ултратовуш усуллариининг бошқа визуализация усуллари қаторида мия қон

оқимини миқдорий аниқлашдаги ўрни кўрсатилган. Ушбу боб ултратовушли доплерография ёрдамида умумий мия қон оқимини баҳолашнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдиган хулосалар билан яқунланади, бу мия ишемиясига кўпроқ мойил бўлган беморларни аниқлаш учун янги ва осон текширув воситасини тақдим этиши мумкинлиги, ушбу муаммо бўйича қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини талаб қилади.

Диссертациянинг «**Каротид атеросклерозда умумий церебрал қон оқимининг доплерографик кўрсаткичларини комплекс баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий характеристикаси, ташхисот усуллари протоколи ва кетма-кетлиги, инструментал текшириш усуллари келтирилган. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Бош тиббиёт бошқармасининг 1-сонли марказий клиник касалхонасининг 18 ёшдан ошган 304 нафар беморини (152 нафар аёл, ўртача ёши $53,03 \pm 11,3$ ёш, 152 нафар эркак, ўртача ёши $55,47 \pm 11,7$ ёш) текшириш натижаларига асосланган.

Бир хил ёш табақаланишига эришиш учун барча ўрганилаётган беморлар жинси бўйича ёш гуруҳлари (ЖССТ тавсиясига биноан) когорталарига бўлинган: 18 ёшдан 44 ёшгача бўлган 75 нафар кишидан иборат гуруҳ (ўртача ёши $34,7 \pm 6,8$ ёш) (ёш), 45-59 ёшли 111 нафар киши (ўртача ёши $52,1 \pm 3,7$ ёш) (ўртача ёш), 60-74 ёшли 96 нафар киши ($66,4 \pm 3,9$ йил) (кексалар), 75 ёш ва ундан катта ёшдаги 22 нафар киши (ўртача ёши $77,1 \pm 1,8$ йил) (қарилик ёши).

Барча беморлар шикоятлар, касаллик тарихи, хавф омиллари ва антропометрик маълумотларни ўрганиш билан умумий клиник текширувдан ўтказилган. Турли хил Допплер режимлари (PW, РД, ЭД, B-flow, ADF) ёрдамида экстракраниал артерияларни ултратовушли текшируви ўтказилган. Мия ҳажмли оқимини (МХҚО) баҳолаш, аниқланган атеросклеротик пиллакча (АП)ларни денситометрик (гистографик) таҳлил қилиш, апное тести билан транскраниал дуплекс сканерлаш (ТКДС) ёрдамида цереброваскуляр захира (ЦВЗ)ни баҳолаш, оёқ артерияларини ултратовуш сканерлаш, елка товон индекси (ЕТИ)ни Допплер ёрдамида баҳолаш каби текширувлар қўлланилган. Брахиоцефал артерияларни ултратовушли дуплекс сканерлаш юқори аниқликдаги APLIO-500 ва MyLabSIGMA (ESAOTE, Италия) сканерларида 7,5-12,0 МГц частотали чизиқли датчик ёрдамида амалга оширилган.

Каротид артериялар стенози даражаси, тарқалиши ва атеросклеротик пиллакча морфологик хусусиятларини аниқлаштириш учун референт усул сифатида МСКТ ангиография GE Revolution СТ ускунасида, венага 50-100 мл «Бимексол-350» контрасти юборилиб ўтказилган.

«Интима-медиа» комплекси қалинлигининг (ИМКҚ) ўзгариши даражасига кўра, текширилганларнинг барчаси шартли равишда 4 гуруҳга бўлинган: ИМКҚ 0 - бу бўртиб чиққан АП мавжуд бўлмаган ва ИМКҚ $< 1,5$ мм назорат гуруҳи ($n=84$ киши; ўртача ёши $(33,7-10,0)$); ИМКҚ I - бўртиб чиққанлик $< 1,5$ мм ($n=84$ киши, ўртача ёши $54,4 \pm 9,1$ ёш); ИМКҚ II - бўртиб чиққан ёки диффуз АП (ИМКҚ $> 1,5$ мм, яъни 1,5 дан 2,4 мм гача, $n=82$, ўртача

ёши 61,2±9,4 ёш); ИМҚҚ III - бўртган ёки диффуз АП >2,5 мм (n =54, ўртача ёши 68,5±7,98 ёш). Тадқиқотнинг босқичлари 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Ўтказилган текширув босқичлари

Диссертациянинг «Каротид атеросклерозда умумий церебрал қон оқимининг доплерографик кўрсаткичларини натижалари» деб номланган учинчи бобида 304 нафар бемор, жумладан УАА мавжуд 220 нафар беморнинг асосий текшируви натижалари келтирилган ва текширилаётган гуруҳларларга характеристика берилган. Замонавий ультратовуш технологиялари ёрдамида уйқу артерияларининг атеросклеротик зарарланишларнинг таркибий кўринишига, табиатига, даражасига баҳо берилган. Тадқиқот натижалари умумий уйқу артериясининг интима медиа комплекси қалинлиги (ИМҚҚ) ва ёш ўртасидаги сезиларли ижобий корреляцияни кўрсатди ($r= 0,55$, $p < 0,001$). Ўрганилган гуруҳларда чап ва ўнг УУА нинг ИМҚҚ ни ўлчаш натижалари, бошқа ёш гуруҳларига нисбатан 60 ёшдан ошган ёш гуруҳида ИМҚҚ сезиларли ўсишини кўрсатган ($p < 0,05$).


1-жадвал

Текширилаётган беморларда умумий уйқу артериясининг интима медиа комплекси қалинлиги ўртача қийматлари

Ёши	Аёллар		Эркаклар	
	Чап УУА ИМҚҚ, мм	Ўнг УУА ИМҚҚ, мм	Чап УУА ИМҚҚ, мм	Ўнг УУА ИМҚҚ, мм
18-44 ёш	0,61±0,05	0,67±0,09	0,75±0,07	0,73±0,13
45-59 ёш	0,75±0,15	1,03±,016	0,92±0,14	0,9±0,17
60-74 ёш	1,47±0,24	1,3±0,20	1,32±0,16	1,24±1,14
75 ёшдан катта	1,75±0,4	1,59±,32	1,4±0,24	1,49±0,23


Каротид артериялар атеросклерози бўлган 103 нафар беморда аниқланган атеросклеротик пиллакчанинг (АП) ультратовушли гистографик таҳлили ўтказилган ва кулранг шкала медианаси-GSM аниқланган ва атеросклеротик

пилакча майдони ўлчанган. Гипоэхоген пилакчалар пастроқ GSM га, гиперэхоген пилакчаларда GSM >40 дан юқори эга эканлиги аниқланди. Умуман олганда, заиф пилакчалар барқарор пилакчаларга қараганда паст GSM даражаларига эга (2-расмга қаранг).



2-расм. Турли атеросклеротик пилакчалар учраши ва GSM қиймати даражалари (1-қатор пилакчалар турлари, 2-қатор (кулранг шкала медианаси (GSM) кўрсаткичлари

Апноэ тестини қўллаб, ўрта мия артериясининг транскраниал доплерографияси ёрдамида цереброваскуляр захирани баҳолаш натижалари кекса ва қари беморларда, ёшлардан фарқли ўлароқ цереброваскуляр захира чекланганлигини кўрсатди, бу мия томирларининг гемодинамик компенсатор механизмлари етарли эмаслигини кўрсатди.



3-расм. Текширилаётган гуруҳларда апное тестига жавобан цереброваскуляр захира кўрсаткичлари.

Қуйида текширилаётган беморлар тўлиқ когортасида брахиоцефал артерияларнинг доплерография кўрсаткичлари келтирилган (2-жадвал).

18-85 ёшдаги текширилган шахслар тўлиқ когортасининг брахиоцефал артерияларининг доплерография кўрсаткичлари

Ўлчанадиган кўрсаткичлар	Чап ИУА	Чап ТУА	Чап УА	Ўнг ИУА	Ўнг ТУА	Ўнг УА
Томир ҳажмли қон оқими (Flow Vol.), мл/мин	309,68±59,56	126,49±17,02	80,57±6,95	310,44±51,18	129,37±11,8	89,96±7,13
Қон оқимининг максимал систолик тезлиги, см/сек	79,77±23,51	71,20±18,94	35,60±9,47	80,91±22,7	74,26±17,90	37,1±9,0
Қон оқимининг охириги диастолик тезлиги, см/сек	39,89±11,75	18,57±4,48	9,97±2,94	40,45±11,37	19,97±5,85	10,13±2,81
Қон оқимининг вақт бўйича ўртача максимал тезлиги (TAMAX), см/сек	51,76±22,68	39,37±14,69	25,60±10,94	52,81±23,43	36,75±15,12	26,46±9,72
Қон оқимининг вақт бўйича ўртача тезлиги (TAMEAN), см/сек	36,56±14,68	23,53±6,09	14,19±5,99	38,19±15,03	22,91±5,84	14,16±5,90
Пульсация индекси (PI)	1,20±0,39	1,60±0,39	1,33±0,32	1,19±0,38	1,64±0,38	1,31±0,30
Қаршилик индекси (RI)	0,67±0,09	0,81±0,11	0,74±0,10	0,68±0,10	0,82±0,11	0,71±0,13
Систоло-диастолик нисбати (S/D)	4,70±0,63	5,53±1,24	3,79±0,74	4,57±0,61	5,45±1,21	3,66±0,59
Томир майдони, мм ²	11,28±3,38	10,81±2,45	11,48±2,21	11,61±2,90	9,94±2,43	10,59±2,13
Томир диаметри, мм	4,70±0,63	5,70±0,63	3,70±0,63	4,91±0,57	4,83±0,61	3,67±0,59


Ёш гуруҳлари бўйича ҳажмли мия қон оқимини кўрсаткичлари 3-жадвалда кўрсатилган.

3-жадвал

Ёш гуруҳлари бўйича мия ҳажмли қон оқимини кўрсаткичлари, (M±SD)

Ёш гуруҳлари	МХҚО, мл/дақиқа	SD
18-44 ёш	1002,97	119,979
45-59 ёш	983,703	111,418
60-74 ёш	812,043	142,001
75 ёшдан катта	664,909	55,445

60 ёшгача бўлган МХҚОнинг сезиларли динамикаси кузатилмади (йилига 0,74 мл). 60-74 ёшдаги гуруҳда йилига 12,26 мл, 75 ёш ва ундан катта ёшдагиларда 10,51 мл/йил статистик жиҳатдан сезиларли пасайиш кузатилди ($p < 0,05$, $r = -0,23$). 60-74 ёш ва 75 ва ундан катта ёшдаги гуруҳлар ва 60 ёшгача бўлган шахслар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли ҳажм фарқлари кузатилди ($p < 0,05$).



4-расм. Ҳажмли мия қон оқими (ташқи уйқу, ички уйқу ва умуртқа артерияларидаги йиғиндиси) ва ёшнинг регрессион таҳлили

Ўрганилган когортанинг кўрсаткичларини кўриб чиқаётганда, умуман олганда, КАА бўлмаган одамларнинг ўртача ёши билан, КАА бўлган одамларнинг ўртача ёшини таққослаб бўлмаслиги сабабли, 60 ёшдан ошганлар орасида назорат (КАА-) (15 нафар киши) ва асосий (КАА+) (103 нафар киши) гуруҳларни ажратишга қарор қилинди (жами 118 нафар киши) (4-расмга қаранг).




5-расм. 60 ёшдан ошганларнинг каротид артериялар атеросклерози мавжудлиги, ҳамда стеноз даражасига қараб тақсимланиши

Диссертациянинг «60 ёшдан ошган беморларда ҳажмли мия қон оқими кўрсаткичларини ўрганиш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида стеноз даражаси 50%дан ортиқ 40 нафар беморда МХҚО компенсация даражаси ўрганилди. 12 нафар беморда (30,0%) МХҚО референс қийматлардан пастроқ бўлган (компенсациясиз гуруҳга киритилган). 18 нафар беморда (45,0%) МХҚО референс қийматлари ичида эди, 10 (25,0%) нафарида референс кўрсаткичларидан юқори эди ва бу беморлар қон оқими сезиларли компенсацияли гуруҳга киритилган. Қон оқимининг ҳажми тавсия этилган референс қийматидан паст бўлганда ўртача - стандарт оғиш, яъни «компенсация йўқ» гуруҳига киритилган. Тавсия этилган референс қийматидан ошиб кетган МХҚО қийматлари мавжуд бўлганларни: $M \pm SD$ «оқимнинг компенсатор ўсиши» ёки «сезиларли компенсация» гуруҳига киритилган.


МХҚОни баҳолаш бўйича мисол 7-расмда келтирилган.

